


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни
қўллаш таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи.....
- 1.1. Қўлланиш соҳаси
- 1.1.1. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....
- 1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....
- 1.2. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи
- 1.2.1. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари
- 1.2.2. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари
- 1.2.3. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари
- 1.2.4. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари
2. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....
- 2.1. Умумий компетенциялар.....
- 2.2. Библиографик маълумотлар.....
- Келишув varaғи.....

1. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби **60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари:

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари:

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари:

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар:

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари:

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга қираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва

технологияларни қўллаш “Қишлоқ хўжалиги” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнлари, инновацион технологиялар ва техник воситалари, улардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллашни самарали ташкиллаштириш жараёнларини таъминлашга йўналтирилган касбий соҳаларни мажмуини қамраб олади.

1.2.2. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар, кластерлар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар:

- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги ташкилотлар, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори унумдорликка эга инновацион техника ва технологик жараёнлар, машина ва жиҳозлар, уларнинг энергия ва ресурстежамкор тизимлари, усуллари ва воситалари, шунингдек тизимларининг лойиҳа ҳужжатлари;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қишлоқ хўжалик техника ва технологияларни синаш, сертификациялаш Давлат маркази; кластерлар, фермер хўжаликлари, интенсив боғлар, иссиқхоналар ва бошқалар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар турли хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлари ва бошқаларда техник-технологик хизмат кўрсатиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини инновацион техника ва технологиялар асосида механизациялашган усулда бажаришга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш жараёнлари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар: қишлоқ хўжалик техника ва технологияларни синаш, сертификациялаш Давлат маркази; кластерлар, фермер хўжаликлари, интенсив боғлар, иссиқхоналар ва бошқалардаги инновацион техника ва технологиялар, уланинг жиҳозлари ва қурилмалари.

- ер, сув, энергетик ва моддий – техника ресурслари, қишлоқ хўжалиги экинлари, машина ва асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалик тизимидаги ишлаб чиқариш жараёнлари, илмий-тадқиқот жараёнлари;

- энергия ва ресурстежамкор технологиялар ҳамда техник воситаларни дехкончилик ва чорвачиликни ривожлантириш жараёнларидаги инженерлик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик моделларини қўллаш;

- кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиладиган замонавий, энергия ва ресурстежамкор, инновацион техника ва технологиялар, уларнинг иш жиҳозларини тузилишини, ишлаш жараёнини ўзлаштириш ва тадқиқ қилиш;

- замонавий энергия-ресурстежамкор технологияларни таъминлайдиган машина трактор агрегатларидан фойдаланиш, танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш, машина ишчи қисмлари ва деталларни лойиҳалаш, янги инновацион конструкциясини ишлаб чиқиш;

- инновацион техника ва технологиялардан фойдаланиш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш;

- намунавий механизациялашган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш, фойдаланишда кечадиган жараёнлар бўйича математик моделларини қўллаш;

- илмий ва амалий фаолиятда соҳага мос тизимни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни ташкил этишнинг энергия ва ресурстежамкор, самарали усулларини танлаш ва қўллаш.

- 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш бакалаврият битирувчилари педагогик кайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг зақолатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- Илмий-тадқиқот;
- Лойиҳа-конструкторлик;
- Ишлаб-чиқариш-технологик;
- Монтаж-созлаш ишлари;
- Ташкилий-бошқарув;

1.2.4. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Хизмат кўрсатиш-фойдаланиш фаолиятида:

- кишлок хўжалик машиналари, тракторлар ва технологик жиҳозлардан самарали фойдаланиш, сервис хизмат кўрсатишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

- мелиорация ва қурилиш машиналари, технологик жиҳозларига сервис хизмат кўрсатиш бўйича намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ;

- машина трактор агрегатлари, тракторлар ва кишлок хўжалик машиналари, технологик жиҳозларни синаш ва ишини баҳолаш ва қисқичликларни бартараф қилиш;

- машина трактор агрегатлари, тракторлар ва кишлок хўжалик машиналари, технологик жиҳозларни ишлатиш ва улардан самарали фойдаланиш усулларини танлаш;

- машина трактор агрегатлари, технологик жиҳозларнинг ишчи жараёнлари моделларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда ҳисоблаш воситаларидан фойдаланиш;

- деҳқончиликни механизациялашда ишлатиладиган технологик воситалар, агрегатлар, асбоб, ускуна, жиҳозларни билиш уларни амалда қўллаш олиш;

- энергея-ресурстежамкор агрегатлар, технологик жиҳозларнинг иш сифати кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш ва хулосалар шакллантириш қобилиятига эга бўлиш;

- инсон соғлигини ва унинг ишчанлик қобилиятини сақлаш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича усул ва тадбирларни ишлаб чиқиш

- бир ёки бир нечта ишчи касблар, хизмат лавозимлари бўйича вазифаларни бажариш.

Экспертлик, назорат ва инспекторлик-аудитор фаолиятида:

- деҳқончилик, боғдорчилик ва чоравчиликда механизациялашган ресурстежамкор ишларни кўп вариантли ечимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- агрегатларни тузиш, кишлок хўжалиги машиналари, технологик жиҳозларни йиғиш, созлаш, ишлатишга тайёрлаш, самарали фойдаланиш бўйича ишларни режалаштириш ва бажариш;

- машиналар ишончилигини баҳолаш экспертизасини ўтказишда иштирок этиш;

- машиналарга сервис хизмат кўрсатишнинг илғор ҳамда ресурстежамкор технологияларини аниқлаш.

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда машина ва жиҳозларни яратиш, такомиллаштириш ва синаш, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларини, тизимларини, жараёнларини, жиҳозларини ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш;

- кишлок хўжалигига аниқ координатали кишлок хўжалиги ва ақлли деҳқончиликни жорий этиш;

- намунавий услублар бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилишда иштирок этиш;
- машиналар парки таркибини асослаш, иш билан таъминлаш ва бошқариш бўйича технологиялар ва машиналар тизими ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш олиш;
- ишлаб чиқариш технологиялари соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий-
- техникавий маълумотлар, чет элда ва республикада эришилган фан ва техника соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни жамлаш,
- ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда
- қатнашиш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- замонавий қишлоқ хўжалиги агрегатлари, уларнинг қисмлари ва ишчи органларини такомиллаштириш, унификациялаш мақсадида конструкторлик тақлифларини ишлаб чиқиш, технологик хариталар, зарурий воситалар, мосламалар зарурий жиҳозларни танлаш, бажариладиган ишларни сифатини кафолатловчи янги энергия ва ресурстежамкор технологик жараёнлар учун машина, асбоб-ускуналар, қисм ва деталларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва танлаш;
- қишлоқ хўжалиги агрегатлари ва уларнинг ишчи органлари ва жиҳозларидан самарали фойдаланиш, уларнинг қисмлари ва ишчи органларини лойиҳалаш моделларни ишлаб чиқиш ;
- лойиҳавий ва меъёрий-дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалиги агрегатлари ва уларнинг қисмлари ва ишчи органларига сервис, техник-технологик хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизимининг намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- машиналарнинг ишчи қисмлари ва ишчи органларини юқори умумдорлик билан ишлашини таъминловчи усулларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- қишлоқ хўжалиги агрегатлари, уларнинг қисмлари ва ишчи органларини такомиллаштириш, унификациялаш мақсадида конструкторлик тақлифларини ишлаб чиқиш, зарурий жиҳозларни танлаш, бажариладиган ишларни сифатини кафолатловчи янги технологик жараёнлар учун машина, асбоб-ускуналар, қисм ва деталларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва танлаш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий энергия ва серусртежамкор инновацион технологияларни қўллаш;
- технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ресурсларни режалаштиришда иштирок этиш;
- лойиҳавий ва меъёрий-дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- машина трактор агрегатларининг юқори унумдорлик билан ишлашини таъминловчи усулларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат ҳавфсизлиги талабларига мослигини таҳлил қилиш.

2. 60810400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллаш билиши. ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятига мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш:
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда технологик жараёнларини энергия ва серусртежамкор, инновацион техника ва технологиялар соҳида

механизациялаштиришда инженерлик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик моделларини қўллаш билиш;

- қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда қўлланиладиган машина трактор агрегатлари, уларнинг иш жиҳозларини тузилишини, ишлаш жараёнини ўзлаштириш ва таҳлил қилиш ва такомиллаштириш, модернизация қилиш бўйича қобилиятга эга бўлиш;

- машиналардан фойдаланиш жараёнларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштиришни билиш;

- қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда фойдаланиладиган машина трактор агрегатлари ва жиҳозларини такомиллаштириш, модернизация қилиш бўйича муҳандислик ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда фойдаланиладиган қишлоқ хўжалик техникаларга техник хизмат кўрсатиш, ишчи жиҳозларининг алмашуви, таъмирлаш стратегиясини белгилаш ва қўллаш кўникмаларига эга бўлиш.

- қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда фойдаланиладиган машина трактор агрегатлари ва жиҳозларини такомиллаштириш, модернизациялаш жараёнларини моделлаштириш, реал ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги инновацион моделларни шакллантиришни билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

ОКС 01.040.01

Гуруҳ Т 55

Таянч сузлар:

бакалавриат, таълим соҳаси, таълим йўналиши, касбий фаолият тури, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш комплекси, механизация, машина трактор агрегат, фойдаланиш, тиклаш, сервис хизмат, техник хизмат кўрсатиш; таъмирлаш; касбий педагогика, таълим технологияси ва методикаси, фан дастури, якуний Давлат аттестацияси, Давлат таълим стандарти, ахборот-ресурс маркази, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаси, техник соҳа, муҳандислик иши, назорат-ўлчов асбоблари, хизмат кўрсатиш-фойдаланиш, экспертлик, назорат ва инспекторлик-аудиторлик, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик жараёни, ташкилий-бошқарув, назарий таълим, малака амалиёти, битирув малакавий иши, мустақил таълим, Давлат аттестацияси, меҳнат бозори, кадрлар истеъмолчилари, назорат.

